Олий суд Раёсатининг
2026 йил 21 августдаги
РС-31-26-сонли қарорига
ИЛОВА

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2026 йилнинг биринчи ярмида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасига асосан Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2026 йилнинг биринчи ярмида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, Олий суднинг 2026 йил биринчи ярми учун мўлжалланган иш режасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Таҳлилларга кўра, судлов ҳайъатига ҳисобот бошига қолдиқ ишлар билан бирга жами **1 252** та тафтиш шикояти (протести) келиб тушган. Шундан **292** та шикоят қайтарилган, **57** тасини қабул қилиш рад қилинган, **319** тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, **393** таси судлов ҳайъатига ўтказилган. Ҳисобот даврининг охирига қолдиқ шикоятлар сони **191** тани ташкил этади.





Судлов ҳайъати томонидан жами **393** та тафтиш шикояти (протести) кўриб чиқилган. Шундан **190** таси бўйича суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилган, **16** таси бўйича суд ҳужжати ўзгартирилган, **175** таси бекор қилинган, **11** та шикоят бўйича иш юритиш тугатилган ҳамда **1** та шикоят кўрмасдан қолдирилган.




Ушбу статистик таҳлиллар орқали Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 2-моддасида белгиланган суд ишларини юритиш мақсади ва вазифаларига қуйи судлар томонидан қанчалик даражада эришилганлигини баҳолаш мумкин.

Судлов ҳайъатида жами тафтиш тартибида кўриб чиқилган ишларнинг ҳудудлар кесими бўйича кўрсаткичлари қуйидагича: Тошкент шаҳрининг **120** та, Сурхондарёнинг **50** та, Тошкент вилоятининг **40** та, Қашқадарёнинг **32** та, Самарқанднинг **25** та, Бухоронинг **22** та, Фарғонанинг **18** та, Қорақалпоғистон Республикасининг **16** та, Хоразмнинг **15** та, Андижон ва Жиззахнинг **13** тадан, Навоийнинг **12** та, Наманганнинг **9** та, Сирдарёнинг **8** та ҳужжатига нисбатан берилган тафтиш шикоят (протест)лари кўриб чиқилган.




Ишларни биринчи, апелляция ёки кассация, тафтиш инстанцияси судларида кўришда айрим ҳолларда моддий (қўлланилиши лозим бўлган қонунчилик ҳужжатининг қўлланилмаганлиги, қонунчилик ҳужжатининг нотўғри талқин қилинганлиги) ва процессуал (ишларни билдирилган талаб бўйича қарор қабул қилинмаган ҳолда, даъво талабидан четга чиққан ҳолда

кўрилганлиги ҳамда шикоятлар асоссиз иш юритишга қабул қилинганлиги) ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйилганлиги сабабли тафтиш инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган.

Тафтиш инстанцияси суди томонидан суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳолати ҳудудлар кесими бўйича кўрсаткичлари Тошкент шаҳрида **24** та, Тошкент вилоятида **10** та, Қашқадарё вилоятида **9** та, Фарғона вилоятида **7** та, Хоразм вилоятида **6** та, Самарқанд вилоятида **5** та, Навоий ва Наманган вилоятида **4** тадан, Андижон вилоятида **3** та, Жиззах вилоятида **2** та, Сурхондарё вилоятида, Қорақалпоғистон Республикаси ва Олий судда **1** тадан ташкил этади.

Суд амалиёти обзори натижалари Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари судлари иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатлари ҳамда ушбу ҳудудлардаги туманлараро иқтисодий судлар томонидан биринчи, апелляция ёки кассация, тафтиш инстанцияси сифатида ишларни кўришда айрим ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари нормаларининг нотўғри қўлланилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Олий хўжалик суди Пленуми қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилганлигини кўрсатди.

## Процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти

**Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.**

Тошкент шаҳар солиқ бошқармаси (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “TEMUR TEXNIK TRANS” масъулияти чекланган жамиятидан (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 1 866 527 365 сўм қўшилган қиймат солиғини (бундан буён матнда ҚҚС деб юритилади) ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2024 йил 2 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2026 йил 27 январдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талаби қисман қаноатлантирилган, жавобгардан давлат бюджети фойдасига даъвогар орқали 1 799 027 257,87 сўм ҚҚС, республика бюджетига 53 970 817,72 сўм давлат божи ундирилган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2026 йил 10 мартдаги қарори билан апелляция инстанцияси судининг қарори ўзгаришсиз, жавобгарнинг тафтиш тартибидаги шикояти эса қаноатлантирмасдан қолдирилган.

Суд қарорларидан норози бўлган жавобгар Олий судга тафтиш тартибидаги шикоят билан мурожаат қилиб апелляция ва тафтиш инстанцияси судларининг қарорларини бекор қилиб, ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, даъвогарнинг “Камерал солиқ текширувини ўтказиш ҳақида” 2024 йил 21 июлдаги 30/1-09327-kt-сонли буйруғига асосан жавобгарнинг 2022 йил январдан 2025 йил 30 июнга қадар бўлган фаолияти даврида ҚҚСни тўғри ҳисобланиши ва бюджетга тўланиши юзасидан камерал солиқ текшируви ўтказилган.

Текширувда жавобгар контрагентлар билан тузилган битимлар асосида “шубҳали” молиявий операциялар амалга оширганлиги ҳамда мазкур контрагентлар томонидан қонунга зид тарзда расмийлаштириб берилган ҳисобварақ-фактуралар жавобгарнинг солиқ ҳисоботида акс эттирилганлиги натижасида, жами 1 866 527 365 сўмлик ҚҚС миқдори асоссиз ҳисобга олинганлиги аниқланган.

Текширувда аниқланган ушбу ҳолат бўйича жавобгарнинг шахсий кабинети орқали даъвогар томонидан 2025 йил 29 сентябрда 30/1-343223-сонли талабнома юборилиб, асоссиз ҳисобга олинган ҚҚС суммасига тузатиш киритган ҳолда аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиш сўралган.

Жавобгар ушбу талабномани оқибатсиз қолдирганлиги сабабли, даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 1 866 527 365 сўм ҚҚС ундиришни сўраган.

Апелляция ва тафтиш инстанцияси судлари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 15 ва 266-моддаларини қўллаб, жавобгарнинг контрагентлари фаолиятида сотилган ва харид қилинган товарлар номутаносиблигига ҳамда солиқдан қочиш ҳолатларига йўл қўйган “шубҳали” корхоналар рўйхатига киритилганлиги ва ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномаси бекор қилинганлиги, жавобгар томонидан контрагентларга тўлаб берилган ҚҚС суммаси контрагентлар томонидан давлат бюджетига тўлаб берилмаган деган хулоса билан даъвогарнинг даъво талабини қисман асосли деб ҳисоблаб, уни 1 799 027 257,87 сўмга қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Чунки, биринчи инстанция суди томонидан жавобгарнинг 35 та контрагенти ишга учинчи шахс сифатида жалб қилинмасдан, уларнинг тушунтиришлари олинмасдан, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига доир ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Ваҳоланки, ИПК 302-моддаси бешинчи қисмининг 3-бандига кўра, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

Апелляция ва тафтиш инстанцияси судлари эса ҳал қилув қарорининг қонунийлигига ҳуқуқий баҳо беришда биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган ушбу процессуал ҳуқуқ нормаси бузилишига эътибор қаратилмаган.

ИПК $324^{7}$-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига кўра, ишни тафтиш тартибида кўрадиган суд тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) кўриш

натижалари бўйича ушбу Кодекс 302-моддаси бешинчи қисмининг 3 ва 6-бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, қарорни бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун суд ҳужжати бекор қилинган апелляция ёки кассация инстанцияси судига юборишга ҳақли.

Шу боис судлов ҳайъати апелляция ва тафтиш инстанцияси суди қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборишни лозим топган.

*4-1001-2518/108517-сонли иш*

**Кассация шикояти (протести) кассация тартибида кўрилган суд ҳужжати устидан берилган ва у кассация инстанцияси суди томонидан хатога йўл қўйилиб, иш юритишга қабул қилинган бўлса, тафтиш тартибидаги шикоят (протест) бўйича иш юритишни тугатади.**

Каттақўрғон туман фермерлар кенгаши (бундан буён Кенгаш деб юритилади) “Yashil vodiy-S.SH.T” фермер хўжалиги (бундан буён даъвогар деб юритилади) манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “Kattakurgan cluster” масъулияти чекланган жамиятидан (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 2023 йилда топширилган уруғлик пахта учун ҳисобланган 261 752 400 сўм устама ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2025 йил 3 январдаги ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг 2026 йил 5 январдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талабини қисман қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2026 йил 5 февралдаги қарори билан кассация инстанцияси судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

ИПКнинг 285-моддасига мувофиқ кассация шикояти (протести) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида берилиши мумкин. Кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича кассация инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтган кундан эътиборан уч ой ичида берилган ва кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

Аниқланишича, даъвогар ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан 9 ой 22 кун ўтгандан кейин, яъни 2025 йил 2 декабрда кассация шикояти билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан иқтисодий ишларни апелляция, кассация тартибида кўришнинг айрим масалалари тўғрисида” 2024 йил 25 мартдаги 10-сонли қарорининг 7-бандида

апелляция, кассация шикояти (протести) бериш муддати ўтишининг бошланиши, тегишлича суд ҳужжати қабул қилинган ёки қонуний кучга кирган кундан эътиборан ҳисобланиши, судлар апелляция шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддати, шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича апелляция инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан икки ойдан кечиктирмасдан берилган, кассация инстанцияси суди томонидан эса, агар илтимоснома кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтган кундан эътиборан уч ой ичида берилган ва апелляция, кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

Мазкур ҳолатда, кассация инстанцияси томонидан мазкур шикоятнинг иш юритувга қабул қилиниши процессуал қонун талабларининг бузилиши ҳисобланади.

ИПК 296-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига кўра, кассация шикояти (протести) кассация тартибида кўрилган суд ҳужжати устидан берилган ва у кассация инстанцияси суди томонидан хатога йўл қўйилиб, иш юритишга қабул қилинган бўлса, тафтиш тартибидаги шикоят (протест) бўйича иш юритишни тугатади.

ИПК $324^7$-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига кўра, ишни тафтиш тартибида кўрадиган суд тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини, қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва янги қарор қабул қилишга ҳақли.

Шу боис судлов ҳайъати кассация ва тафтиш инстанцияси суди қарорларини бекор қилиб, кассация шикояти бўйича иш юритишни тугатишни лозим топган.

*4-1104-2502/2060-сонли иш*

**Иқтисодий суднинг айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса, суд иш юритишни тугатади.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси (бундан буён матнда Палата деб юритилади) “Самарқанд сув таъминоти” АЖ (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари”га (бундан буён матнда Қоидалар деб юритилади) риоя этилиши юзасидан расмийлаштирилган 2022 йил 4 февралдаги 00019051-сонли далолатномага кўра, “ROFEEV” МЧЖ (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) сув таъминотига Д-20 мм. ли пластмасса қувур (ички Д-15 мм. ли) орқали уланиб, сув ўлчагич асбобини давлат қиёслов кўриги муддати ўтганлиги

аниқланганлигини асос қилиб, жавобгардан қоида бузилиши натижасида сув ва оқава сарфи учун ҳисобланган 86 621 327 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2025 йил 18 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган. Жавобгардан даъвогар фойдасига 5 958 264 сўм ундирилган, даъвонинг 67 797 288 сўм ундириш қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2025 йил 22 апрелдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2025 йил 9 октябрдаги қарори билан, суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, судлар томонидан даъво талабининг 27 367 470 сўм ундириш қисми мазмунан кўрилиб, процессуал хатоликка йўл қўйилган.

Чунки, 4-1401-2402/975-сонли иқтисодий иш юзасидан айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет юзасидан қабул қилинган Самарқанд шаҳар иқтисодий судининг 2024 йил 4 июндаги ҳал қилув қарори билан жавобгарнинг 2022 йил 21 сентябрдаги мурожаатига асосан сувоқова ходими ва истеъмолчи вакили иштирокида 2022 йил 23 сентябрда расмийлаштирилган 00027924-сонли далолатнома-кўрсатмада сувни ҳисобга олиш асбоби қабул қилинганлиги ҳамда 2022 йил 4 февралдаги 00019051-сонли далолатнома-кўрсатма ўз вақтида бажарилмаганлиги қайд этилганлиги, жавобгарга тегишли бўлган сувни ҳисобга олиш асбоби пломбаси ечилган вақтидан бошлаб пломбаланиб, қайта қўйилгунгача 30 календарь кундан ошганлиги, шунинг учун даъво аризасида Қоидаларнинг 70, 76, 78-бандига мувофиқ жавобгарга нисбатан қайта ҳисоб-китоб натижасида 92 кунга Д-15 мм = 40,5 м3 х 92 кун х 7 345 сўм = 27 367 470 сўм тўлов ҳисобланиб, ундириш сўралганлиги аниқланган. Жавобгар Қоидаларнинг ушбу бандларда назарда тутилган қоидабузарликни содир этган деб топилиб, қоидабузарлик учун қайта ҳисоб-китоб қилинганда ҳам формуладаги Н-сув тармоғидаги босим миқдори 0,1 атм. дан келиб чиқиб ҳисобланган ва жавобгардан даъвогар фойдасига 27 367 470 сўм ундирилган.

ИПК 110-моддасининг 2-бандига кўра, иқтисодий суднинг айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса, суд иш юритишни тугатади.

Шу боис судлов ҳайъати суд қарорларининг 27 367 470 сўм ундириш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш қисмини бекор қилиб, ушбу талаб бўйича иш юритишни тугатиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

*4-1401-2502/152-сонли иш*

**Ҳал қилув қарорининг судья томонидан имзоланмаганлиги ёхуд ҳал қилув қарорида кўрсатилганидан бошқа судьялар томонидан имзоланганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.**

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 7 декабрдаги ҳал қилув қарори билан “United trade system” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланган ва тугатиш (суд) бошқарувчиси этиб Ф.Ниязметов тайинланган.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида, даъвогарга хизмат кўрсатувчи банкдан олинган банк айланмасига кўра, даъвогарнинг банк ҳисоб рақами орқали “Dadajon-Asilbek” масъулияти чекланган жамиятига (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) пул маблағи ўтказилганлиги, бироқ, жавобгар даъвогарга маҳсулотни қисман етказиб, қолган 3 997 451 000 сўмлик маиший техника моллари етказиб берилмаганлиги аниқланган.

Шу сабабли, даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 3 997 451 000 сўм асосий қарзни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2025 йил 17 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2025 йил 23 декабрдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2026 йил 16 мартдаги қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

ИПК 302-моддаси тўртинчи **қисмининг 4-бандига кўра,** ҳал қилув қарорининг судья томонидан имзоланмаганлиги ёхуд ҳал қилув қарорида кўрсатилганидан бошқа судьялар томонидан имзоланганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, апелляция инстанцияси судида маърузачи судья С.Қувватов бўлган ҳамда у апелляция инстанцияси судининг қарорини имзолаган. Шунингдек тафтиш инстанцияси судида маърузачи судья М.Фаязов бўлган, бироқ тафтиш инстанцияси судининг қарорини М.Фаязов эмас балки С.Қувватов имзолаган.

ИПК $324^{7}$-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига асосан ишни тафтиш тартибида кўрадиган суд айрим суд ҳужжатларини бекор қилишга ва иш бўйича илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бирини ўз кучида қолдиришга ҳақли.

Шу боис судлов ҳайъати қарор бошқа судья томонидан имзоланганлиги ҳамда шу билан процессуал қонунбузилишга йўл қўйилганлигини инобатга олиб, **тафтиш инстанцияси судининг қарорини бекор қилишни лозим топган.**

*4-1301-2504/14111-сонли иш*

## Моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти

**Қонунчилик ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин вужудга келган муносабатларга нисбатан қўлланилади, қонун у амалга киритилгунга қадар вужудга келган муносабатларга нисбатан қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина татбиқ этилади.**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво ариза билан мурожаат қилиб “А” масъулияти чекланган жамиятидан (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)дан 336 742 963,20 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2026 йил 20 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 336 742 963,20 сўм ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2026 йил 25 февралдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2026 йил 15 апрелдаги қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, 2025 йил 5 майга қадар амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг (бундан буён матнда Ер кодекси деб юритилади) 28-моддасида ер участкалари электрон онлайн-аукцион воситасида ёки баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати бўйича тўғридан тўғри реализация қилинганда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплашга оид норма мавжуд бўлмаган.

Шунингдек, 2025 йил 5 майга қадар ва бугунги кунда амалда бўлган Ер кодекси 87-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчиликлари қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун олиб қўйилаётган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари ажратиб бериладиган юридик ва жисмоний шахслар томонидан қопланиши белгиланган.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 5 майдаги ЎРҚ-1062-сонли Қонуни билан Ер кодексининг 28 ва 87-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Хусусан, Ер кодексининг 28-моддасига киритилган ўзгартиришларга кўра, Ўзбекистон Республикасида ер участкаларини олганлик ва ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўланади, ер участкаларини олган юридик ва жисмоний шахслар ушбу Кодексга мувофиқ электрон онлайн-аукцион натижаларига кўра ёки баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланадиган миқдорда ҳақ тўлайди, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплайди.

Ер кодексининг 87-моддасига киритилган қўшимчаларга кўра, ер участкалари электрон онлайн-аукцион воситасида реализация қилинганда, шунингдек баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати бўйича тўғридан-тўғри реализация қилинганда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчиликлари миқдори алоҳида кўрсатилиши ва тўланиши керак.

Яъни, электрон онлайн-аукционда ер участкаларини олган юридик ва жисмоний шахсларнинг қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мажбурияти Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 5 майдаги ЎРҚ-1062-сонли Қонуни кучга кирган кундан эътиборан юзага келган.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 41-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан қўлланилиши, Ўзбекистон Республикаси қонунининг амал қилиши у амалга киритилгунига қадар юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина татбиқ этилиши белгиланган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 5 майдаги ЎРҚ-1062-сонли Қонунида у амалга киритилгунга қадар вужудга келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилиши назарда тутилмаган.

Ушбу ҳолда, 2025 йил 5 майга қадар электрон онлайн-аукционда ер участкаларини олган юридик ва жисмоний шахслардан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплашни талаб қилиш қонунга мувофиқ эмас.

Судлар иш юзасидан қарор қабул қилишда иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқламаган ҳамда моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўлланган, бу эса ноқонуний қарор қабул қилишга сабаб бўлган.

ИПК $324^{8}$-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги ҳал қилув қарорини, қарорни ёки ажримни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

ИПК $324^{7}$-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан ишни тафтиш тартибида кўрадиган суд тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини, қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва янги қарор қабул қилишга ҳақли.

Шу боис судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

*4-1001-2514/134861-сонли иш*

**Даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлайди.**

“Musaev Kosbergen” МЧЖ таъсисчиси Э.Онашов (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Musaev

Kosbergen” МЧЖ (бундан буён матнда МЧЖ ёки жамият деб юритилади) таъсисчиларининг 2021 йил 28 апрелдаги умумий йиғилиш қарорини ҳамда “Агробанк” АТБнинг (бундан буён матнда Банк деб юритилади) Нукус филиали (бундан буён матнда Банк филиали деб юритилади), “Emirxan Rasul” МЧЖ (бундан буён матнда қарз олувчи деб юритилади) ҳамда МЧЖ (ипотекага қўювчи) ўртасида тузилган 2021 йил 30 апрелдаги Ksh046676-сонли ипотека шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2024 йил 27 августдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, 2021 йил 30 апрелда тузилган Ksh046676-сонли ипотека шартномаси ҳақиқий эмас деб топилган. Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган. Даъвонинг банк филиалига нисбатан қисми бўйича иш юритиш тугатилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2024 йил 28 ноябрдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Тафтиш инстанциясининг 2025 йил 11 февралдаги қарори билан апелляция инстанциясининг қарори қисман бекор қилиниб, учинчи шахс Ж.Уразбаевнинг апелляция шикояти бўйича иш юритиш тугатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 13 майдаги қарори билан тафтиш инстанциясининг 2025 йил 11 февралдаги қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун тафтиш инстанциясига юборилган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2025 йил 1 июлдаги қарори билан апелляция инстанцияси судининг 2024 йил 28 ноябрдаги қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2025 йил 8 августдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2025 йил 27 октябрдаги қарори билан суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

ФКнинг 150-моддасига мувофиқ умумий даъво муддати уч йил.

ФК деб юритилади) 154-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлайди. Бу қоидадан истиснолар ушбу Кодекс ва бошқа қонунлар билан белгиланади.

Мазкур ҳолатда ҳақиқий эмас деб топилиши сўралаётган ипотека шартномаси 2021 йил 30 апрелда тузилган бўлиб, даъво аризаси судга 2024 йил 26 июлда, яъни даъво муддати ўтиб бўлгандан кейин тақдим этилган.

Бироқ судлар томонидан даъво талабининг ипотека шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш қисмига нисбатан даъво муддатини қўллаш ҳақидаги Банкнинг аризаси муҳокама қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан фуқаролик қонун ҳужжатларининг даъво муддатига оид нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2015 йил 19 июндаги 282-сонли қарорининг 9 ва 10-бандларида биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган суд ҳужжати юқори инстанция суди томонидан бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган тақдирда, даъво муддатини қўллаш ҳақидаги ариза умумий тартибда берилиши мумкинлиги

даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлиши, даъво муддати ўтганлиги сабабли даъво рад қилинган тақдирда, суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида низодаги тараф даъво муддатини қўллаш ҳақида ариза берганлигини баён қилиши ва ушбу муддат ўтганлигини асослаши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу боис судлов ҳайъати даъво талабининг ипотека шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш қисмига нисбатан даъво муддатини қўллаш ҳақида Банкнинг аризасини қаноатлантириб, даъвонинг ушбу қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

*4-2301-2402/1348-сонли иш*

**Қонунчилик талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси (бундан буён матнда Палата деб юритилади) “47-son xo’jaliklararo ko’chma mexanizatsiyalashgan kolonna” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) манфаатида “Buxara invest plyus baraka” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади), “Асакабанк” акциядорлик жамияти Бухоро филиали ва “Асакабанк” акциядорлик жамиятига (бундан буён матнда қўшимча жавобгар ёки Банк деб юритилади) нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, тарафлар ўртасида 2018 йил 14 декабрда тузилган 2018-230-сонли кафиллик шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2024 йил 21 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг 2025 йил 30 майдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2026 йил 5 январдаги қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Даъво аризасида даъвогар раҳбарининг мурожаати бўйича берилган хатшунослик экспертизаси хулосаси ва Бухоро туман ИИБ ҳузуридаги ТГ катта терговчиси М.Темировнинг 2024 йил 5 августдаги жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорига асосан кафиллик шартномасида ва кафилликка розилик бериш ҳақида 2019 йил санаси кўрсатилмаган даъвогар таъсисчилари умумий йиғилиш баённомасидаги даъвогар раҳбари А.Улуғовнинг имзолари сохталаштирилганлиги ҳолати тасдиқланганлиги ҳамда кафиллик шартномасини тузиш учун даъвогардан ҳеч қандай розилик олинмаганлиги асос сифатида кўрсатилган.

Аниқланишича, Банк ва жавобгар ўртасида 2018 йил 14 декабрда кредит шартномаси тузилган. Унга кўра Банк жавобгарга иссиқхона ускуналарини сотиб олиш мақсадида 7 йил муддатга, 6 фоиз устама тўлаш шарти билан 1 600 000 АҚШ доллари кредит ажратган.

Кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида даъвогар, жавобгар ва Банк ўртасида 2018 йил 14 декабрда 2018-230-сонли кафиллик шартномаси тузилган. Унга кўра кафил банкнинг биринчи талаби билан қарздорнинг кредит шартномаси бўйича кредит қарзининг тўланмаган қисмини тўлаш мажбуриятини олган.

Даъвогар раҳбари А.Улуғовнинг аризаси юзасидан тайинланган хатшунослик экспертизаси асосида Бухоро вилоят ИИБ Эксперт-криминалистика марказининг 2024 йил 25 июлдаги 1775-сонли эксперт хулосасига кўра, 2018 йил 14 декабрдаги 2018-230-сонли кафиллик шартномаси, шунингдек санаси кўрсатилмаган 2019 йилдаги даъвогар таъсисчилари умумий йиғилишининг 2-сонли баённидаги “А.А.Улугов” матн ёзуви қаршисидаги имзолар, А.А.Улуғов томонидан эмас, бошқа шахс томонидан бажарилганлиги қайд этилган.

ФКнинг 116-моддасига мувофиқ қонунчиликнинг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонунчилиги нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 28 ноябрдаги 269-сонли қарорининг 12.1 бандида битимни тузган шахс томонидан амалга оширилган имзонинг асллиги бўйича шубҳа мавжудлиги сабабли битимни ҳақиқийлиги юзасидан низолашилганда, билдирилган талаб асосли бўлса, битим ФКнинг 116-моддасига мувофиқ ҳақиқий эмас деб топилади.

Шу боис судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, тарафлар ўртасида тузилган 2018 йил 14 декабрдаги 2018-230-сонли кафиллик шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

*4-2001-2405/4014-сонли иш*

**Битим иштирокчилари мажбуриятларини бажарган бўлса, солиққа оид бўлмаган қонунчилик бузилиши даромад ёки харажатларни солиқ мақсадида эътироф этишни рад этиш учун асос бўлмайди.**

Тошкент шаҳар солиқ бошқармаси (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “В” хусусий корхонасидан (бундан буён матнда жавобгар ёки МЧЖ деб юритилади)

540 956 576 сўм қўшилган қиймат солиғини (бундан буён матнда ҚҚС деб юритилади) ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2025 йил 27 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилган. Жавобгардан даъвогар орқали бюджетга 333 552 176 сўм асоссиз ҳисобга олинган ҚҚС суммаси ундирилган.

Апелляция инстанциясининг 2025 йил 17 апрелдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Тафтиш инстанциясининг 2025 йил 10 июлдаги қарори билан суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, даъвогарнинг 2022 йил 11 апрелдаги 20/1-00742-кт-сонли буйруғига асосан жавобгарнинг 2020 йил 1 январдан 2022 йил 28 февралга қадар бўлган фаолиятида ҚҚСни тўғри ҳисобланиши ва бюджетга тўланиши юзасидан камерал солиқ текшируви ўтказилган.

Текширишда жавобгар ва унинг контрагентлари ўртасида тузилган битимлар асосида “шубҳали” молиявий операциялар амалга оширилганлиги ҳамда қонунга зид равишда расмийлаштирилиб берилган ҳисобварақ-фактуралар жавобгарнинг солиқ ҳисоботида акс эттирилганлиги натижасида жами 540 956 576 сўмлик ҚҚС асоссиз ҳисобга олинганлиги аниқланган.

Текширув натижалари юзасидан хулоса расмийлаштирилиб, жавобгарга 2022 йил 6 майда солиқ ҳисоботига тузатишлар киритиш ҳақида 20/1-80806-сонли талабнома юборилган. Бироқ ушбу талабнома оқибатсиз қолдирилган.

Шу сабабли, даъвогар жавобгарга нисбатан қайд этилган даъво талаби билан судга мурожаат қилган.

Даъво аризасида битимнинг кўзбўямачилик учун тузилганлиги, товар ёки хизматлар эса шартнома тузган шахсдан олинмаганлиги ҳолати солиқ органига маълум бўлса, бундай ҳолат етказиб берувчига ўтказиб берилган пул маблағларини харажат сифатида тан олмасликка асос бўлиши, МЧЖнинг молиявий операцияларни амалга оширишидан кўзлаган ягона ва устувор мақсади солиқ тўламаслик тарзидаги асоссиз солиқ нафини олишдан ёки ўзи тўлайдиган солиқларнинг суммасини камайтиришдан иборат бўлганлиги, бундай ҳаракатлар билан Солиқ кодекси мақсадларида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш деб эътироф этилиши кўрсатилган.

Бироқ, даъвогарнинг МЧЖ ва унинг контрагентлари ўртасида битимлар кўзбўямачилик учун тузилганлиги, товар ва хизматлар шартнома тузган шахсдан олинмаганлиги, МЧЖ ва контрагентлар ўртасида тузилган битимлар асосида “шубҳали” молиявий операциялар амалга оширилиб, контрагентлар томонидан МЧЖга ноқонуний ҳисобварақ-фактуралар тақдим этилганлиги натижасида ҚҚС асоссиз ҳисобга олинганлиги ҳақидаги важи асоссиз бўлиб, солиқ органи томонидан ушбу шартномалар юридик оқибатлар туғдириш нияти бўлмаган ҳолда, номигагина тузилганлиги ёки бошқа битимни ниқоблаш мақсадида тузилганлиги исботлаб берилмаган.

Қолаверса, Солиқ кодекси 14-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ,

агар битимларнинг ёки бошқа иқтисодий муносабатларнинг барча иштирокчилари ўзлари тузган битимларнинг барча шартлари ва талабларини бажараётган бўлса, солиққа оид бўлмаган муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган қоидаларнинг айрим бузилишлари солиқ тўловчи томонидан олинган даромадларни ёки уларнинг қилган харажатларини (кўрган зарарларини) солиқ солиш мақсадида эътироф этишни рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Даъвогарнинг контрагентлар етказиб берувчи сифатида ишчи ходимлар, балансида ҳеч қандай воситалар, ишлаб-чиқариш активлари, омборхона ва транспорт воситалари мавжуд бўлмаганлиги, контрагент ўз фаолияти давомида асбоб-ускуна ёки транспорт воситаларини ижарага олиш учун пул маблағларини бошқа ташкилотларга ўтказиб бермаганлиги ҳақидаги важи билан ҳам келишиб бўлмайди. Чунки, иш ҳужжатларида ушбу важларни исботловчи бирор-бир далил мавжуд эмас.

Ваҳоланки, ИПК 68-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларига мувофиқ ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Ишда иштирок этувчи шахслар фақат ишда иштирок этувчи бошқа шахслар олдиндан таништирилган далилларга асосланишга ҳақли.

Шунингдек, даъвогарнинг даъво аризасида Солиқ кодекси 15-моддасининг биринчи қисмига биноан солиқ муносабатларида солиқ тўловчилар контрагентларни танлаш чоғида уларнинг солиқ органларида солиқ тўловчилар сифатида ҳисобга қўйилганлигини, контрагентнинг ишбилармонлик обрўсини, ишлаб чиқариш базаси ва ходимлари мавжудлигини, молиявий ҳолатини, битим бўйича мажбуриятларни бажариш қобилиятини текшириб, лозим даражада эҳтиёткорлик қилиши шартлиги ҳақида важ келтирилган.

Бироқ, Солиқ кодекси ушбу моддасининг учинчи қисмида солиқ органлари солиқ тўловчиларга контрагентларнинг солиқ органларида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги ахборотдан, шунингдек бошқа ахборотдан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда фойдаланиш имкониятини бериши белгиланган.

Жавобгар ва унинг контрагентлари ўртасида шартномалар тузиш пайтида контрагентларнинг ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси амалда бўлган.

Тошкент туманлараро маъмурий судининг 5-1001-2208/1255-сонли иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорида МЧЖ Солиқ кодексининг 15-моддасига асосан ўз имкониятларидан келиб чиқиб, контрагентлар билан шартнома тузаётганида лозим даражада эҳтиёткорликни амалга оширганлиги, яъни солиқ органлари уларни солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйганлиги, ҚҚС коди берганлиги текширилиб, “my.soliq.uz” сайтидан бу контрагентлар солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномалари амалда бўлганлигига ишонч ҳосил қилганидан кейингина битимлар тузилиб, ҳисоб-китоблар амалга оширилганлиги, Солиқ кодексининг 8-моддасига биноан ҳеч кимга солиқлар ва йиғимларнинг барча аломатларига эга бўлган, бироқ ушбу Кодексда назарда тутилмаган ёхуд унинг нормалари бузилган ҳолда белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмаслиги, Солиқ

кодекси 266-моддасининг ўн тўртинчи қисмига асосан солиқ органи ҳисобга олишни бекор қилишни ёки унга тузатишни амалга оширишга ҳақлилиги, лекин бунинг учун ҳисобга олиш ҳуқуқи товарлар (хизматлар)ни олиш бўйича қалбаки ёки кўзбўямачилик учун тузилган битим натижасида вужудга келганлигига оид далиллар мавжуд бўлиши лозимлиги қайд қилинган.

ИПК 73-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ фуқаролик ишлари бўйича суднинг ёки маъмурий суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бошқа ишни кўраётган иқтисодий суд учун фуқаролик ишлари бўйича суднинг ёки маъмурий суднинг ҳал қилув қарорида аниқланган ва ишда иштирок этувчи шахсларга тааллуқли бўлган ҳолатларга доир масалалар бўйича мажбурийдир.

ИПК $324^{7}$-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан ишни тафтиш тартибида кўрадиган суд тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини, қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва янги қарор қабул қилишга ҳақли.

Шу боис судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

*4-1001-2408/110824-сонли иш*

**Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати**